



THE EFFECT OF PLANTING DATES ON THE GROWTH OF PEAS

Oserbaeva Tamarakhan

Ph.D., Professor V.B.

Khaldurdieva Dinara Salamatovna

2nd year graduate student

oserbaevat@mail.ru

Nukus, Karakalpakstan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12650924>

ARTICLE INFO

Received: 25th June 2024

Accepted: 29th June 2024

Online: 30th June 2024

KEYWORDS

Peas, sowing, term, phase, dakada, optimum, variety, growing, season.

ABSTRACT

The article includes information on the study of the influence of planting dates on the growth and development of pea varieties in the conditions of low salinity soils of Karakalpakstan. Resarches were conducted on varieties "palwan", "Suplik" and "Yulduz" planted in the 1st, 2st and 3st decades of april. According to the results of the study, the variety "Suplik" planted in the 1st-10st of April has higher performace compared to other varieties and this term "Suplik" it is stated that is acceptable for the variety.

ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ НЎХАТНИНГ ЎСИБ-РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Осербаева Тамарахан

қ.х.ф.н., профессор в.б.

Халдурдиева Динара Саламатовна

2-курс магистранти. oserbaevat@mail.ru

Нукус, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12650924>

ARTICLE INFO

Received: 25th June 2024

Accepted: 29th June 2024

Online: 30th June 2024

KEYWORDS

Нўхат, экиш, муддат, фаза, дакада, оптимал, нав, вегетация даври.

ABSTRACT

Мақолага Қорақалпоғистоннинг кам шўрланган тупроқлари шароитида нўхат навларининг ўсиб-ривожланишига экиш муддатларининг таъсирини ўрганиш юзасидан олинган маълумотлар киритилган. Тадқиқотлар апрел ойининг I, II, III декадаларида экилган «Палвон», «Суплик» ва «Юлдуз» навларида ўтказилиб, тадқиқот натижаларига кўра апрел ойи I-ўн кунлигида экилган «Суплик» нави бошқа навларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эгаллиги ҳамда мазкур муддат «Суплик» нави учун мақбул эканлиги келтирилган.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16-февралдаги ПФ-36-сонли «Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармонининг 2-иловасида Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашнинг 2030 йилгача



мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» белгилеб берилган бўлиб, мазкур «Йўл харитаси»нинг 45-бандида Функционал хусусиятларга эга бўлган хомашё (қизилмия экстракти, лактоза, глюкоза сиропи, инверт сиропи, нўхат уни, жавдар уни, экструдировка қилинган ун, стевия, артишок ва қўшимчалар) билан парҳез, диабетик ва терапевтик қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган [1].

Дон-дуккакли экинлар орасида нўхат ўсимлиги бениҳоя аҳамиятли ҳисобланиб, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси шароитида нўхат ўсимлигига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Нўхат оқсиллини етиштириш харажатлари жуда кам бўлгани билан, гектар ҳисобидан олинмиш меъёри кўп. Нўхат оқсидан озиқ-овқат саноатида экологик тоза маҳсулот олинади. Нўхат экилган майдонлар тупроқни тоза азот билан таъминлаб, тупроқ микрофлорасини яхшилайтиди. Айниқса, бутун дунёда оқсил танҳислиги ҳуқум сураётган бугунги кунда, нўхат донида 19-33 фоиз оқсил бўлиши, нўхат донининг озуқавий аҳамиятини янада оширади.

Нўхат етиштиришни йўлга қўйиш билан оқсил танҳислиг муаммосини бартараф этиш мумкин. Шу билан бирга, нўхат ўсимлиги экилган тупроқларнинг унумдорлигини унинг илдизларидаги азот йиғувчи туганак бактерияларининг фаолияти натижасида тупроқда 50-70 кг биологик азот тўплашига эришиш мумкин [2].

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мақсади – нўхатнинг вегетация даврида нўхатнинг ўсиб-ривожланишига ва юқори ҳосил тўплашига таъсир этадиган экиш муддатини аниқлаш.

Қорақалпоғистон шароитида дуккакли дон ўсимликлари бўйича тадқиқотлар кам ўтказилганлиги боис нўхат навларини тўғри танлаш, улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш технологияси, айниқса, экиш муддатлари сингари омилларни ўрганиш кенг қўламли илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади. Мавжуд муаммодан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг кичик тажриба даласида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Тажрибада нўхатнинг 3 та нави («Палвон», «Суплик» ва «Юлдуз») ҳамда 3 та экиш муддати (апрел ойининг I, II ва III ўн кунликлари) ўрганилди.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқот объекти дон-дуккаклиларнинг вакили ҳисобланган нўхат ўсимлигининг «Палвон», «Суплик» ва «Юлдуз» навлари ҳисобланади. Услуби – нўхат навларининг дала шароитидаги ўнувчанлиги, туп сонлари, ўсимликларнинг биометрик ўлчамлари дала экинларининг давлат нав синаш услуби бўйича аниқланди. Тупроқнинг шўрланиш даражаси А.Е.Арнушкина (1970) ва В.А.Ковде (1983) услуби билан ва барг юзаси майдони А.А.Ничипорович (1971) услуби билан аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Тажрибада ўрганилган экиш муддатлари вегетация даврининг ўтишига маълум даражада таъсир этади. Ўниб чиқиш фазаси нўхатнинг «Палвон» навида 9-11 кун, «Суплик» навида 9-10 кун ва «Юлдуз» навида эса 9-10 кун давом этди. Кеч экилганда бу жараён вариантлар орасида 1-6 кунга камайиши кузатилди. Шоналаш фазаси «Палвон» навида экиш муддатларининг ҳаммасида ҳам 20 кун давом этиб, экиш муддатлари орасида фарқ кузатилмаган бўлса ҳам, пишиш



фазасида вариантлар орасида биров фарқ кўришимиз мумкин. Биринчи экиш муддатида ушбу фазанинг ўтиши учун 49 кун талаб этилди. Бу муддатдан 10 кун кейин экилганда пишиш фазаси 47 кунда ўтган, 20 кун кейин экилганда 46 кун ўтганлиги кузатилди. Кеч экилган вариантларда пишиш фазаси 4-6 кунга камайганлиги аниқланди (1-жадвал).

Жадвал-1

Нўхат навларининг ривожланиш давомийлиги, кун

№	Вариантлар		Ривожланиш фазалари				
	Навлар	Экиш муддати	Ўниб чиқиш	Шоналаш	Гуллаш	Пишиш	Вегетация даври
1	«Палвон»	10.04	11	20	18	49	88
2		20.04	10	20	17	47	84
3		30.04	9	20	16	46	82
1	«Суплик»	10.04	10	20	18	49	84
2		20.04	10	20	18	47	82
3		30.04	9	20	18	45	81
1	«Юлдуз»	10.04	10	16	14	39	79
2		20.04	9	16	13	39	77
3		30.04	9	15	13	39	76

Вегетация даври биринчи экиш муддатида 88 кунга чўзилди, иккинчи экиш муддатида 84 кун бўлиб, 4 кунга камайди, учинчи экиш муддатида эса 82 кун бўлиб, биринчи вариантга нисбатан 6 кунга камайганлиги аниқланди. Экиш муддатлари нўхат навларининг биологик хусусиятларига боғлиқ уларнинг ривожланишига, вегетация даврининг чўзилишига маълум даражада таъсир кўрсатиб, вегетация даври «Суплик» навида кеч экилганда 2-3 кунга камайганлиги аниқланди.

«Юлдуз» навида ҳам пишиш даврида бир қанча фарқ кузатилиб, биринчи экиш муддатида бу фазани ўташ учун 39 кун талаб этилди. Апрель ойининг II ва III ўн кунликларида экилганда ҳам 39 кун талаб этилганлиги аниқланди. Умумий вегетация даври 76-79 кунга чўзилиб, бошқа навлардан тезпишарлиги билан ажралиб турди. Вегетация даврини ўтишда «Палвон», «Суплик» ва «Юлдуз» навларига нисбатан биринчи экиш муддатида 9 кун, иккинчи экиш муддатида 7 кун ва учинчи экиш муддатида 6 кун эрта пишиб, экиш муддатларининг таъсири, шунингдек, навларнинг ўзига хос биологик хусусиятлари аниқланди.

Тажрибада нўхат навларининг ўсишига экиш муддатларининг таъсири ўрганилиб, шоналаш фазасида биринчи экиш муддатида яъни, 10-апрелда экилганда «Суплик» навининг поя баландлиги 20 см га етган бўлса, 20-апрелда экилганда поя баландлиги 21 см га етиб, биринчи муддатда экилган ўсимликлардан 1 см баланд бўлганлиги аниқланди. Учинчи муддатда экилган вариантда ўсимликлар поясининг баландлиги 20 см бўлиб, биринчи экиш муддатидаги ўсимликлар бирдек бўлганлиги аниқланди.

Шоналаш фазасида биринчи экиш муддатида «Юлдуз» навининг поя баландлиги 18 см бўлди. Ушбу нав 20-апрелда экилганда поя баландлиги 17 см га етиб, биринчи муддатда экилган вариантдаги ўсимликка нисбатан 1 см калта бўлган бўлса, кейинги



муддатда экилган ўсимликларнинг баландлиги 18 см бўлиб, биринчи муддатда экилган ўсимликларнинг баландлиги билан бир хил бўлди.

Гуллаш даврида биринчи экилган муддатида «Юлдуз» навининг поя баландлиги 36 см бўлди. Ушбу нав 20 апрелда экилганда поясининг баландлиги 35 см га етиб, биринчи муддатда экилган ўсимликлардан 1 см калта бўлган бўлса, кейинги муддатда экилган ўсимликларнинг баландлиги 34 см бўлиб, биринчи муддатда экилган ўсимликлардан 2 см калта бўлганлиги аниқланди.

Дуккакнинг шаклланиш фазасида биринчи экиш муддатида «Суплик» нави поясининг баландлиги 48 см га етти. Бу нав 20-апрелда экилганда поясининг баландлиги 46 см бўлиб, биринчи муддатда экилган ўвариантга нисбатан 2 см га камайди. Кейинги учинчи муддатда экилган вариантдаги ўсимликларнинг поясининг баландлиги 44 см бўлиб, биринчи муддатда экилган вариантдаги ўсимликларнинг поясининг баландлигидан 4 см га камайганлиги маълум бўлди.

Экишнинг 1-2 муддатларида шоналаш фазасидан бошлаб дуккакнинг шаклланиш фазасигача кеч экилган вариантларда поя баландлигининг пасайиб борганлиги кузатилди. «Суплик» навининг кўрсаткичлари тажрибада ўрганилган бошқа навларга нисбатан барча параметрлари бўйича яхши бўлиб, навлар орасида мақбул эканлиги исботланди.

Хулоса қилиб айтганда, экиш муддатлари нўхат навларининг ўсиб-ривожланишига, вегетация даврининг узайишига таъсир кўрсатиб, нўхат навларининг Қорақалпоғистон шароитида апрелнинг I ўн кунлигида экишнинг мақбул бўлиши аниқланди.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16-февралдаги ПФ-36-сонли «Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. –Тошкент, 2024. -95 б.
2. Умарова Н.С. Роль сроков сева при возделывании сои. // Ж. Агро илм. –Тошкент, 2010. -№1. –С. 17-18.